



9 МАЙ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Авлодлар алмашинуви... истаимизми-йўқми, барибир, табиий рўй бериши шарт бўлмиш оддий ҳақиқат. Ота-боболаримиз эъзозлаб келган зиёратгоҳлар, қадамжолар, макону манзилларга сизу биз ҳам юкиниб борамиз. Ҳар йили 9 майда биздан ёдгор бўлиб қолаётган фарзандларимиз уруш, очарчилик, қатағон нелигини билмасин, дея жон олиб-жон берган ёвқур, мард ва жасур оталаримиз номларини кўзларимиз тўла ёш, юракларда аламу армон билан хўрсиниб-хўрсиниб эслаймиз.

Шукрки, Ватанимизда ҳар кун зиёрат қилмоққа арзигулик Мустақиллик майдони, Бухорий ва ё Термизийлар, Нақшбанду Ғиждувонийлар қадамжолари ёхуд Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Мухаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Мотамсаро она ҳайкаллари, Ғалаба боғи, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси каби юзлаб муборак зиёратгоҳлар ҳамшиша гавжум. Буларнинг бари энг аввало тинчлик ва доруломон замон шарофатидандир. Демак, инсон қадр-қиммати юксак даражага кўтарилган заминда бундай шукуҳли айёмлар абадиятга дахлдор бўлиб бораверади.

Дуо қилайлик, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

“МИЛЛИОНЕРМАС, МИЛЛИАРДЕР БЎЛАМИЗ”



ҚАМЧИҚ ДОВОНИ... ҲАЁТ ЙЎЛИМИ ЁКИ?



СОХТА ҲУЖЖАТ БИЛАН ХАЛҚНИ АЛДАМАНГ!

Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

XXI asr

O'ZLiDeP
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

6-may 2022-yil 18 (964) www.21.uz @XXIasrofficial

ЭЪТИРОФ ЭТИЛСА АРЗИЙДИ 588,5 МИНГ ОИЛА “ТЕМИР ДАФТАР” ДАН ЧИҚАРИЛДИ



МАЖБУРИЙ ЭМАС, ИХТИЁРИЙ БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Сиёсий партиялар фракциялари “Маҳалла ободлиги – юрт фаровонлиги” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этишди.

зиёд дарахтларни оқлаш ва буталаш ишларини олиб боришди.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳузурдаги Фахрийлар кенгаши аъзолари билан ҳамкорликда 300 га яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, айниқса, эҳтиёжманд, боқувчисиз қолган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашилди. Партиянинг Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлари иштирокида 5000 га яқин маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўпқаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, болалар майдончалари тартибга келтирилди.

Мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч саналган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари бу тадбирда ҳам кўпчиликка ўрнак-намуна бўлди, десак муболаға қилмаймиз. Хайрия ҳашарида партиянинг марказий ва ҳудудий кенгашлари бинолари атрофига 2000 дан зиёд ниҳоллар утқазилди.

Парламент куйи палатаси депутатлари, маҳаллий кенгашлардаги партия вакиллари томонидан эса тураржой мавзелари ва маҳаллаларда 10 000 дан ортиқ меваги дарахтлар кўчатлари, 20 000 дан ошиқ турли бута ва гуллар экилди. Шунингдек, партия ходимлари 500 дан

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда 1000 дан ортиқ аҳоли тураржойларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. О'zLiDeP фракцияси ва партия фаоллари томонидан умумхалқ ҳашари доирасида бажарилган юмушлар ижтимоий тармоқларда (facebook ва twitter саҳифаларида 500 дан ошиқ хабар), 5 влоят телевидениесида, 20 та газетда ёритилди.

ЯНГИ ҚОНУН МОҲИЯТИ

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ДУНЁ БОЗОРИНИ ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ

Шу ҳафтада давлатимиз раҳбари “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги қонунга имзо чекди. Бу республикамиз аграр соҳаси, умуман, иқтисодийтимиз учун муҳим воқеадир.



Зеро, жаҳонда органик қишлоқ хўжалиги сўнгги пайтларда юқорилаб бораётгани кузатилмоқда. Рақамлар ҳам буни тасдиқлайди: 2019 йилда органик қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро бозорлардаги савдо айланмаси 96,7 млрд. еврога ташкил этган, 71,5 млн. гектар майдонда 2,8 млн. ишлаб чиқарувчи мазкур фаолият билан шуғулланган. Экспертлар изоҳича, дунё органик маҳсулотлари бозори 2016 йилдан бошлаб ҳар йили ўртача 15 фоиздан ўсаяпти. 2022 йил якунида унинг савдо айланмаси 212 млрд. АҚШ доллари (жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 фоизи)ни ташкил этиши тахмин қилинапти.

Этиборлиси, бундай амалиёт қишлоқ хўжалигимиз учун янгилик эмас. Асрлар давомида шакланган анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган деҳқончилик тамойилларига асосланган. Бу услуб эса озуқавий қиймати юқори, ўзига хос таъмга эга органик (экологик тоза) мева ва сабзавотларни етиштириш имконини беради.

Бир неча кун аввал кучга кирган қонун соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш орқали мавжуд салоҳиятдан унумли, оқилна фойдаланиш имконини беради. Шу ўринда қонунда белгиланган нормалар нималарга хизмат қилишини батафсилроқ баён қилиш мақсадга мувофиқ.

Қонун, аввало, органик маҳсулотлар ва хомашё ишлаб чиқариш тизимидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда соҳа фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилишига имкон беради. Иккинчидан, аграр ишлаб чиқаришда бозор муносабатларини ташкил этишнинг ишончли ва истиқболли шакли ҳисобланган органик маҳсулотлар ва хомашё ишлаб чиқариш тизимининг янада ривожланишига йўл очади. Учинчидан, органик маҳсулотлар ва хомашё ишлаб чиқариш тизимида тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан, ишлаб чиқарувчидан якуний истеъмолчигача бўлган тизим такомиллашади. Тўртинчидан, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ва географияси кенгайтиши билан бир қаторда фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли даромади ошади. Бешинчидан, юқори сифатли экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқарилиш ҳажми ортиб, натижада атроф-муҳит, инсонлар саломатлигига салбий таъсирлар камаюди.

Энг муҳими, органик маҳсулотлар етиштиришнинг асосий принциплари, давлат томонидан тартибга солиш қоидалари, қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолияти кафолатлари ўз аксини топган мазкур қонун жаҳон бозорига мамлакатимизнинг муносиб ўринга эга бўлиши, халқимиз фаровонлиги юксалишига хизмат қилади.



Ахтам ХАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси раҳбари

“МИЛЛИОНЕРМАС, МИЛЛИАРДЕР БЎЛАМИЗ” дейишяпти қувалик миришкор боғбонлар

ФАРҒОНАДА, ТЎҒРИРОҒИ, ҚАДИМ ҚУВА ТУПРОҒИДА ГИЛОС ВА ҚУЛУПНАЙ МАВСУМИ БОШЛАНДИ. БОБОДЕҲҚОНЛАРГА ҚОЙИЛ ҚОЛИШ КЕРАК: ИССИҒУ СОВУҚНИ ПИ-САНД ҚИЛМАЙ, ҲАЛОЛ ПЕШОНА ТЕРИ ЭВАЗИГА ЕТИШТИРИЛГАН ИЛК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭЛ ДАСТУРХОНИГА ТОРТИҚ ҚИЛИШНИ БОШЛАБ ЮБОРИШДИ.



Шу кунларда водийнинг ҳар гўшасида боғбону соҳибдорнинг қўли-қўлига тегмаяпти. Ҳар қадамда эртаги гилос ва қулупнай савдо-сотиғи авжига чиққан.

– 80 сотихли иссиқхонамизга ўтган йили 7000 туп экспортбон “Чарли” ва “Кобра” навли қулупнай кўчатларини эккан эдик. Тинмай ишладик, билмаганимизни мутахассислардан сўраб ўргандик. Худого минг қатла шукр, деҳқончилик ёмон бўлмади. Ҳозиргача икки тоннадан кўпроқ қулупнай ҳосили териб олиб сотдик, – дейди Жўраевой ака Исомиддинов. – Даромадми, кўз тегмасин, Оллоҳнинг ризқ-насибаси бу ҳам, элга

мақтаниб овоза қилиб ётмайин, миллионер эдик бир замонлар, энди миллиардга айланамиз-да! Биллурдек товланиб, кўзларни қувнатаётган резавор март ойининг бошларидаёқ сотувга чиқарилганди. Бугунгача 50 миллион сўм даромад олинди. Ҳали эса пайкалда ҳосил мўл. Айтганча, хуштаъм қулупнайнинг каттагина қисми яқин хорижга ҳам жўнатилаётган экан.

Яна денг, ишнинг кўзини билган деҳқон бобо 3 минг туп қарам кўчати экиб, ундан 4 тонна ҳосил олишга улгурди. Қарамдан бўшаган майдонга яна қулупнай эмокчи. Иссиқхонада олти нафар ишчи доимий банд.

Яна бир қувалик Алимардон Кенжаев эса анча йиллардан буюн гилоснинг янги навлари устида иш олиб бормоқда. Асосий эътибор чилги ва экспортбон навларга қаратилляпти. Туркия, Эрон, Хитой каби давлатлардан Фарғона иқлимига мос навлар олиб келиниб, маҳаллийлаштирилляпти. Албатта, ҳосилдорлик ҳам чакки бўлмаслигига кафолат бор.

– Гилос асосан экспортбон мева. Фақат харидор талабига қараб турлича кўринишда қадоқланиши мумкин. Очигини айтиш керак, йил сайин янги навларга талаб кучайиб бораёпти. Боғбонларимиз гилоснинг нафақат таъми ва сифатига, балки узок вақт сақланишига ҳам жиддий қизиқишади. Худди ана шу жиҳатлар мевани хорижга экспорт қилишда жуда муҳим, – дейди Алимардон ака.

Янгиликка интилиш, ҳасад билан эмас, ҳавас билан боғбонликка меҳр қўйиб ишлаш ҳар бир қувалик миришкорнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қоида. Қай бир издиҳомда бўлманг, мева-чевалар нархи, янги навлар, янги парварши усуллари суҳбатларнинг энг қизиқари мавзуси бўлиши одатга айланган бу ерда. Йўл бўйларидан, полз ёки боғларда эса хуштаъм мевалардан истаганча татиб кўриш мумкин.

Яна бир ажайиб халқона удумни ёзмасак бўлмади: у ҳам бўлса деҳқону боғбонларнинг қўли очиклиги ва саховатпешалигидир. Муболага эмас, водийликларга хос тавозе билан кафтда ё лаганда қулупнайми, гилос ё бошқа ширин меваними, сизга тўтқазайтиб, “Илтимос, пулингиз керакмас, аввал бир тўйгунча татиб кўринг, кейин гаплашамиз”, дея лутф қилишади. Бу таклифни асло рад этманг, деҳқонлар кўнгли нозик бўлади. Қақроқ қир-адирликларда яратилаётган боғ-роғларни кўрмоққа ошурфта бўлсангиз, Қувага келаверинг.

Фарғона вилоят ҳоқимлиги ахборот хизмати

ОЙНА




СОХТА ҲУЖЖАТ БИЛАН ХАЛҚНИ АЛДАМАНГ!

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ диққатига!

Таҳририятимизга Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги Бошдархон қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан қуночаклик билан ёзилган хат келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетасининг 2022 йил 25 мартдаги 12-сонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Салиховнинг сайловчилар билан учрашувлари доирасида тайёрланган “Бошдархондаги бошбошдоқлик қачон барҳам топади?” номи мақоласи эълон қилинган эди. Аммо бу танқидий мақоладан Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мутасаддилари, Оқдарё туман экология инспекцияси ходимлари тегшли хулоса чиқаришмади. Улар нафақат Бошдархон аҳлини, балки бизнинг ғамимизни артитишга ҳаракат қилаётган газета ижодкорларини ҳам алдаб келишмоқда. Масъулиятсиз масъулларнинг сохта ҳужжатларига кўра, атрофга бадбўй ҳид таратиб, одамларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётган “Юнусжон аҳли” МЧЖ бугунги кунда ишламаётган эмши. Бунда “Бошдархон” МФЙ раиси Рафиқ Ҳақбердиевни ҳам шерик қилиб, қалбаки маълумотномада кўл қўйдиришган. Ваҳоланки, мазкур корхона ҳозир ҳам тўла қувват билан ишлаб, ҳамма ёқни ифлослантираётганини, инсонларнинг тинч турмушини бузётганини каттаю кичик ҳар куни кўриб турибди. Ишлаб турган заводни ишламайди, деб хат ёзилиши инсофсизликдан дарак беради...




Бошдархонлик С.Маманов, И.Жўраев, Т.Орипов каби жонқуяр юртдошларимиз имзо чеккан хатда кўтарилган масалалар билан яна бир бор чуқурроқ танишар эканмиз, самарқандлик экологларнинг зарурли заводни оппоққа чиқаришидан нима манфаати бор экан, дея бошимиз қотди. Парламент депутатининг мурожаатида муносабат шу бўлса – бошқалар ҳақида гапирши ортиқчага ўхшаб қолди.

Ўйлаймизки, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ушбу жумбоқнинг тагида етади ва атроф-муҳитга зиён етказишга “ҳисса қўшаётган” экологлар оидинга чиқарилгани хусусида газета таҳририятига тез кунда расмий жавоб йўллайди.

ТАҲРИРИЯТ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ



Шухрат НОРМУМИНОВ,
“Толитаржон иссиқлик электр станцияси”
АЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси

номидаги маданият саройида аҳоли ўртасида миллатлараро дўстлик, товулик, ўзаро ҳамжиҳатлик, миллий истиқлол ва эл-юртга садоқат мавзуларида тадбирлар ташкил этиляпти. Ўтган йили уюшма ташкилотчилигида 60 нафар ишчи-хизматчи республика сиҳатгоҳларида саломатликларини тиклаган бўлса, 18 нафарига 10 миллион сўм миқдоридида моддий ёрдам берилди. Байрамлар арафасида Нишон тумани Нуристон шаҳарчасида яшовчи станциямиз фахрийлари, боқувчисиз қариялар, ногиронлар, эҳтиёжманд оилаларнинг ҳолидан хабар олиб, озик-овқат маҳсулотлари тарқатамиз.

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ҲИМОЯЧИСИ

Бугунги кунда “Толитаржон иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятида ишчи-ҳодимлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш, уларни махсус кийим-бош билан таъминлаш, тартиб-интизом, тозаллик ҳамда ободонлаштириш ишларини олиб бориш, умумий овқатланиш шохобчалари фаолиятини назорат қилишни белгиланган талаблар даражасида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ҳодимларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳолисона ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигининг амалда бажарилиши кафолатларига эришиш, ўз-ўзини бошқариш каби долзарб вазифалар ҳам қўмитамиз фаоллари зиммасига юклатилган.

Жамиятимизда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг дарду ташвишлари ва қувончларини ҳис этиб яшаш иш услубимизнинг асосий мезонига айланган. Қўмитамиз томонидан ташкил этилаётган маданий-маърифий ва ташкилий ишлар, спорт-соғломлаштириш ҳамда меҳр-мурувват тадбирлари жамият аъзолари ҳаётига мазмун бағишламоқда. Мунтазам равишда ишчилар ўртасида мини-футбол, волейбол, югуриш, шахмат-шашка бўйича мусобақалар ташкил этилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда.

Биз “Янги Ўзбекистонда – янги касаба уюшмалари” шиори остида ислохотларни амалга оширишда маъмурият ва меҳнат жамоасини қўллаб-қувватловчи асосий куч сифатида масъулиятни зиммамизга олганмиз. Жамоа аъзолари ўртасида умуминсоний қадриятлар, мустақиллик ғоялари, миллий мафкура ва тотувлик мавзусида ғоявий-сиёсий ишлар амалга ошириляпти. Уларни маънавий жиҳатдан юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишларига қўмаклашилмоқда.

Меҳнатимиз эътироф этилаётгани ҳам қувонч улашаётир бизга. Ўтган йили қўмитамиз Касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари ўртасида ўтказилган “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танловининг вилоят босқичида совринли ўринни эгаллаб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Феде-

рациясининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган эди.

Корхонада эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётган, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш борасида янги-янги тақлифларни ўртага ташлаётган илғор муҳандис-техник ходимлар ва ишчи-хизматчиларни мунтазам равишда рағбатлантириб боришни йўлга қўйганмиз.

Ҳар йили “Энергетиклар кунини” анъанавий касб байрамимиз муносабати билан уларни “Энергетика фахрийси” фахрий унвони, корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг “Фахрий ёрлиғи” ва “Ташаккурнома”лари билан тақдирлаймиз. Жамиятда кўп йиллар ишлаб, ҳалол меҳнати билан жамоа ўртасида ҳурмат-эътибор қозongan, корхона ҳаёти ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб, барчага ибрат бўлган, ҳаёт қийинчиликларида тобланган тажрибали инсонлар, меҳнат фахрийлари билан давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Меҳнат муҳофазаси учун масъул мутахассислар билан доимий ҳамкорлик қилган ҳолда ишловчиларни тегишли маълумотлар билан таъминлаб турганимиз боис станциямизнинг цех ва бўлимларида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинмоқда.

Нуристон шаҳарчасида ўттиз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уюшмага қарашли Амир Темур

Қўмитамиз ташкилотчилигида бир гуруҳ жамият аъзолари ҳар йили “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳат қилиб, муқаддас қадамжолар, меъморий ёдгорликлар ҳамда истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар билан танишдилар. Сайру саёҳат ва хуш кайфият меҳнат жамоаси кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Шунингдек, ёшларнинг олий ўқув юрларида таълим олиши учун шартнома пулларини тўлаш, арзон уй-жойлар олишига қўмаклашиш, бошқа станциялар ёшлари билан тажриба алмашиш орқали малакасини ошириш борасида амалий ишларда ҳам қўмитамиз фаолларининг хизматлари бекиёс. Зиммадаги вазифаларнинг моҳиятини теран англаб, тинимсиз изланган ҳолда одамларни қийнаб келаётган муаммоларнинг мақбул ечимларини топишга ҳаракат қилияпмиз.

2019–2022 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2021 йил якунига бағишланган конференцияда сўзга чиққан уюшма аъзолари шартномани ишлаб чиқишда корхонадаги муаммолар қамраб олиниб, уларнинг мақбул ечимини топишга жиддий ёндашилаётгани, амалга оширилаётган маданий-маърифий, меҳр-мурувват тадбирлари, спорт мусобақалари ходимлар ҳаётига мазмун бағишлаётгани, уларни ва оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишини ташкиллаштириш, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этишди.

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшма қўмитамиз маъмуриятнинг ишончли ҳамкори, ислохотларни жадаллаштиришда яқин қўмақчиси. Ишчи-хизматчиларнинг ишончу таянчига айлана олгани, даврга ҳамнафас бўлиб яшаб, иш услубимизни такомиллаштиратганимиз боис иш берувчи билан қўмитамиз ўртасида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик юзага келиб, ижтимоий шериклик механизми амалий натижаларни бераётир.

“ШҮРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ”
UNG Shurtan GKM
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан барча юртодишларимизни самимий муборакбод этади. Ватанимизда барқарор бўлган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат кўрсатиши ва инсон қадрини юксалтиришдек бебаҳо қадриятларга алоҳида эътибор қаратилаётгани улуг неъматдир. Инсон қадр топаётган юртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

ҚОНУН ҲИМОЯСИ

ҚАРЗ ҚИЁМАТГА ҚОЛМАСИН!

ОЛДАРДА КИРАР ЖОНИМ, БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОНИМ. ПУЛ ЗАРУР БҮЛГАНИДА ҚОП-ҚОП ВАЪДАЛАР БЕРИБ, ҚАРЗ ОЛИБ, СЎНГ УНИ ҚАЙТАРМАЙДИГАН КИМСАЛАРГА НИСБАТАН ЗАП ТОПИБ АЙТИЛГАНДА БУ МАҚОЛ. АММО ЛАФЗСИЗЛИК УЛАРНИ ЭЛ ОЛДИДА БЕБУРД ҚИЛИШИ ЕТМАГАНДЕК, ЗАРАРИГА ИШЛАШНИ ҲАМ УНУТМАСЛИКЛАРИ КЕРАК.

Даъвогар Н. Олимов судга даъво ариза билан мурожаат қилди. Унда айтилишича, жавобгар Ж. Собиров 2019 йил май ойида ўша йилнинг октябрига қадар тўлиқ қайтариш шартин билан ундан 2 200 АҚШ доллари миқдоридида қарз олган. Бу ҳақда тилхат ёзиб берган. Пулнинг 600 АҚШ долларини қайтариб, қолган 1 600 АҚШ долларини турли баҳоналар билан ҳозирги кунга қадар бермасдан келяпти. Шу боис жавобгардан қарзининг сўмга нисбатан қийматини ва ушбу низо юзасидан қилган барча харажатларини ўзининг фойдасига ундириб беришни сўраган.

Тарафларнинг тушунтиришлари ва иш ҳужжатларида юқоридаги ҳолатларнинг ростлиги аён бўлди. Фуқаролик кодекси 732-моддасига асосан қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. 245-моддасига кўра, пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кунидидаги расмий курси бўйича белгиланади. Ана шулардан келиб чиқиб, суд даъвогарнинг талабини қаноатлантириш ва жавобгардан унинг фойдасига 17 328 000 сўм ундиришни лозим топди.



Шуни айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодекси 138-моддаси 1-қисмига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадида тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради. Жавобгар сўзида турмагани боис даъвогар судга мурожаат қилишга мажбур бўлган ва даъво беришда 692 507,52 сўм давлат божи, 18 900 сўм почта харажати ҳамда 2 700 000 сўм миқдоридида адвокатлик хизматлари учун пул тўлаган. Аёнки, даъвогарнинг суд харажатларини ундириш ҳақидаги талаби ҳам ўринли. Шу боис суд ушбу харажатларини ҳам жавобгардан унинг фойдасига ундиришни жоиз топди.

Гувоҳи бўлганингиздек, вақтида қайтарилмаган қарзлар бир кунини зиён келтиради. Шуни унутманг.

Феруза ЖАЛОЛОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Чирчиқ туманлараро суди судьяси

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН “М.Х. MAQSAD” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИ

2021 йил бошида фонднинг асосий ҳисобрақамида 1 436 804 (бир миллион тўрт юз ўттиз олти минг саккиз юз тўрт) сўм 23 тийин пул маблағи бўлган.
2021 йил давомида UZPAYNET, Click, PAYME, банк-мат аппаратларидан пластик карта орқали фонднинг асосий ҳисобрақамига 24 435 515 (ийигирма тўрт миллион тўрт юз ўттиз беш минг беш юз ўн беш) сўм 95 тийин хайрия маблағлари тушган.
Шундан:
1. 2021 йил учун ойлик иш ҳақи фондига – 8 492 000 (саккиз миллион тўрт юз тўқсон икки минг) сўм;
2. Ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқлар учун – 2 316 000 (икки миллион уч юз ўн олти минг) сўм;
3. Тошкент шаҳридаги “Ракат” жоме масжиди кури-

лиши учун молиявий ёрдам пули – 10 000 000 (ўн миллион) сўм;
4. Бинодан фойдаланганлик учун ижара тўлови – 660 000 (олти юз олти миң минг) сўм;
5. Аудитор хизмати учун – 300 000 (уч юз минг) сўм;
6. Банк харажатлари учун – 103 154 (бир юз уч минг бир юз эллик тўрт) сўм 20 тийин;
Жами 21 871 154 (ийигирма бир миллион саккиз юз етмиш бир минг бир юз эллик тўрт) сўм 20 тийин пул маблағи харажат қилинган.
2022 йил 1 январь ҳолатига кўра фонднинг асосий ҳисобрақамида 3 976 665 (уч миллион тўққиз юз етмиш олти минг олти юз олти миң беш) сўм 98 тийин пул маблағи қолган.



ҚАМЧИҚ ДОВОНИ...

ҲАЁТ ЙЎЛИМИ ЁКИ?

СИР ЭМАС, ЙИЛНИНГ УЧ ФАСЛИ, ЯЪНИ БАҲОР, КУЗ ВА ҚИШ ОЙЛАРИДА ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИГА БОРИШДА ДЕЯРЛИ КЎПЧИЛИК ЮРАК ҲОВУЧЛАБ ЙЎЛГА ЧИҚАДИ. САБАБИ, БУ УЛКАН ҲУДУДНИ НАФАҚАТ ТОШКЕНТ ҲАМДА БОШҚА ВИЛОЯТЛАР, БАЛКИ ҚЎШНИ РЕСПУБЛИКАЛАР БИЛАН ҲАМ БОҒЛАБ ТУРУВЧИ ЯГОНА ҲАЁТ ЙЎЛИ ҲИСОБЛАНГАН ҚАМЧИҚ ДОВОНИДАГИ ЖУДА ТЕЗ ЎЗГАРИБ ТУРАДИГАН МУРАККАБ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИ БИЛАН БОҒЛИҚДИР.

Албатта, самолётнинг йўриғи бошқа, учта вилоятга ҳам қатъий жадвал асосида мунтазам учадиган рейслар деярли йўқ. Устига-устак, чипталар нархи жуда қиммат, ҳар кимнинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Кўп йилларки, йўловчиларнинг ишончли транспорти поезд ва автомобиллар бўлиб қолди. Автобус, кўп ўриндиқли "маршрутка"ларга эса умуман руҳсат йўқ (бу ҳам анча баҳсталаб мавзу). Хўш, нима қилиш керак? Наҳот бошқа чораси бўлмаса?

Қамчиқ довони айна пайтада фақат Марказий Осиёда эмас, керак бўлса Осиё қитъасида ҳам энг серкатнов манзиллардан бирига айланганига кўп бўлди. Шахсий энгил автомобилларни қўяверинг, бу йирик, айтиш мумкинки, яна хавфли бўлган трасадан куну тун неча-неча минглаб маҳаллий ва транзит юк машиналари ўтиб қайтаётганини тасаввур қила оласизми? Худди шун-

дай оғир транспорт воситаларининг бетиним ҳаракати туфайли йўлларнинг жуда қисқа мuddатда таъмирталаб бўлиб қолаётгани (йўл қурилишидаги ҳеч тугамаётган коррупция ҳолатлари алоҳида мавзу) ҳаддан зиёд даражада давлат (демак, халқнинг) маблағларининг сарфланишига сабаб бўляпти-ку!

Хуллас, бош-адоғи кўринмаётган Қамчиқ довони билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасида ҳар томонлама фойдали бўлган бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Биласиз, Фарғона водийси вилоятларини боғлайдиган яна бошқа автомобиль ва темир йўли мавжуд. У ўта қулай, текисликда жойлашган, довон ошиб ўтмайдиган йўлди. Бу – қўшни Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти орқали ўтадиган, қишин-ёзин тоғ кўчиқлари кузатишмайди, довондагидек автоавариялар содир бўлмайди, асосийси, умуман тўсиб

қўйилмайдиган, доимий равишда ҳаракатни таъминлайдиган йўлди. Ушбу таклифни билдиришимга, аввало, шахсан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва қатъий иродаси, хайрли сазъ-ҳаракати туфайли икки қардош халқлар ўртасидаги азалий алоқаларнинг қайта тикланиши туртки бўлди, десам янглишмайман. Кейинги беш йил ичида бир замонлар турли хил сабаблар рўқач қилиниб ёпилган чегаралар очилди, қанча сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Энди бемалол яқин қўшничилик алоқалари давом этмоқда. Неча ўн йиллар давомида юз кўришмаган оға-ини, қариндош-уруғлар дийдорлашди. Ахир бизнинг ота-боболаримиз эт билан тирноқдек аҳил, иноқ бўлиб келганлар.

Табиийки, менинг таклифим сиёсий, ижтимоий, маънавий соҳаларда ҳар томонлама дўстона ва самимий муносабатлар ўрнатилган Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари раҳбарлари, қолаверса, турли даражадаги идоралар масъуллари иштирокида кўриб чиқилса, нур устига нур бўлур эди.

Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, имкони бўлса, Қамчиқ довонидан асосан энгил автомобиллар (балки шунда салгина қор ёки ёмғир севаласа, ҳатто иймонини сотишга тайёр турган муттаҳам, хи-

ра киракашларга инсоф кириб қолар) қатнови йўлга қўйилса фойдадан холи бўлмасди. Ушундан бу йўлдан оғир юк ташувчи автомобиллар қатнови масаласини ҳам обдон ўйлаб кўриш керак бўларди. Ва мен таклиф этаётган Суғд йўлидан автобус ва кўп ўриндиқли йўловчи ташуш транспорт воситалари учун катта имконият пайдо бўлар эди.

Шунингдек, турли оворагарчиликларга сабаб бўлаётган айланма йўллардан бири "М-39" деб аталган катта Ўзбек трактидаги муаммо деярли унутиб қўйилди. Бу, қўшни Қозоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи энг қулай йўлнинг ёпиб қўйилган қисмини очиш билан боғлиқдир. Чунки Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтиш йўли кейинги йилларда ўта таъмирталаб бўлиб қолганлигидан ташқари, турли хил байрам ва тадбирлар арафасида бу ҳудудда машиналар тирбандлиги ва йТХлар сони йил сайин ошиб бормоқда. Оқибатда ана шу манзилда яшаётган аҳолининг экологик аҳволи ва ҳаракат хавфсизлиги даражаси оғирлашиб кетаётгани кузатишмоқда. Бу борада ҳам қўшни давлат билан ўзаро манфаатли музокаралар олиб бориш фурсати етди.

Рўзибой ҚўЛДОШЕВ

9 МАЙ

XOTIRA VA QADRLASH KUNI

"ZAVQLI" muddatli omonati

Omonat muddati	4 oy
Foiz stavkasi:	
▪ bank filiallari orqali	22%
▪ mobil ilova orqali	23%

"Qishloq qurilish bank" – farovon hayotingiz xizmatida!

www.qqb.uz 78 150 00 55 1254 Xizmatlar litsenziyalangan.

"ТОШКЕНТ МИНТАҚА" МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"TOSHKENTBOSHPANLITI" ДУКнинг 2022 йил 30 апрелдаги №АХО-775 сонли буюртмаомасига асосан Тошкент шаҳри Бобур кўчаси 14-уйда сакланаётган

1. "Кобальт" русумли, давлат рақами 01/507GDA бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 38 965 000 сўм.
2. "Кобальт" русумли, давлат рақами 01/854QEA бўлган, 2015 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 38 148 000 сўм.
3. "Дамас" русумли, давлат рақами 01/463WAA бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 17 467 000 сўм.
4. "Нексия-С 150" русумли, давлат рақами 01/166LAA бўлган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси – 31 741 000 сўм.
5. "Газель" русумли, давлат рақами 01/460WAA бўлган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 49 086 000 сўм аукцион савдосига қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2022 йил 30 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 1 кун аввал соат 16:00. Автотранспорт воситаси 2022 йил 30 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 6 ва 13 июнь 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 1 кун аввал. Савдо фолибига 10 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Фолиб харидор сотилиш баҳосидан 8% ни савдо ташкилотчисига тўлаб беради. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 15% фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини АТБ "Капиталбанк" Яшнобод филиали, х/р:20208000405363013002 МФО: 01136, СТИР:308305364 га ўтказиши.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел.: 71 233-28-52, 90 358-38-07. Гувоҳнома №965941.

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга
"Play Market" ёки "App Store"дан
"XXI asr" иловасини юклаб олиб,
пул ўтказсангиз кифоя.



Газетанинг электрон обуна нархлари:

12 ойлик –
96 минг сўм;
6 ойлик –
48 минг сўм.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАФОВЕВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожиддин САЙИИД
Аҳдам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАФОВЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 551 Адади: 4331
Баҳоси келишилган нархда.
Тошпирилди – 20:30

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Неъматов,
Маъруфжон Раҳмонов
саҳифалади.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Озод РАЖАБОВ